

YOSHLAR OVOZI

Саттимага улаш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



VIDEOMULOQOT

ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгашида "Хорижий мамлакатларнинг ёшлар билан ишлаш тажрибаси" мавзусида видеоконференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган тadbирда ассоциацияси мутахассислари, унинг



Р.НАЗАРМАТОВ

тенгдошларимизни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди. Таъкидланганидек, ҳар бир халқнинг ўз менталитети, турмуш тарзи мавжуд. Хориждаги ёшлар билан ишлашда мазкур омилни инобатга олиш

лозим. Боиси бир давлатда фойда берган усул иккинчисидан қўл келмаслиги мумкин. Видеоконференция давомида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг АҚШ, Хитой, Россия, Германия, Туркия, Япония ва Корея Республикасидаги вакиллари мавзу юзаси-

дан тақдимотлар қилиб, хорижий мамлакатлардаги ёшлар билан ишлайдиган вазирлик ва ташкилотлар қўллаётган янги усуллар, ёшлар ташкилотлари эришган ютуқларни таҳлил қилиш ва ўрганиш кераклигини қайд этди.

Шундан сўнг ишти-

рокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

— Хорижда ўқитган тенгдошларимиз асосан ҳужжатлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келади, — дейди Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Хитойдаги вакили Муниса Нурматова. — Шунинг учун айтилган пайтда биз электрон ҳужжатлаштириш тизimini жорий этиш усти-

да иш олиб бораёلمиз. У ишга туша, қўллаб овозгарчиликларнинг олди олинади.

Шерзода МАХМУДОВ

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLAT

ЙЎЛДОШИНГ ЛОҚАЙД БЎЛСА, ЙЎЛНИНГ РАВОНЛИГИ БЕКОР

Жайноқ муштумзўр бўлиб улғайди. Ҳар қандай ишни куч билан ҳал этишга интилиши, кўп ҳолларда спиртли ичимлик таъсирида юриши сабаб қишлоқдошлари уни қўрса, четлаб ўтадиган бўлди. Йигитни яқинлари туғри йўлга сола олмади. Улғайса, уяланса боиси қўлар, деб умид қилади.

Уйлантириши, аммо болалигида туғри тарбия олмаса, феъё ўзгариши қийин экан. Ёмон томони Жайноқ энди захрининг бир қисмини шўрлик хотинига сочар, арзимас хато, ноурин сўз аёлнинг калтаклини билан тугарди. Арофат адашганини тушунди. Аммо энди кеч, бошини қай деворга уришни билмасди.

Бетартиб, жанжали хонадонга бир кун Арофатнинг ўқиси Мирёқуб келиб қолди. Опасига ичи ачиди, ғурури эзилди. Поччасига тик қаради, овозини бандалатди. Жайноққа бу муомала

ёқмади, сўкинди, "йўқол" деди. Меҳмоннинг ёқасидан олишга ҳалди сиғмади — ҳайқиди. Лекин стол устида турган пичоқни кўриб, оловланди, Мирёқубга ташланди...

Қайнисининг қотилига айланган Жайноқ 10 йилдан ошиқ мўдатга озодликдан маҳрум этилди. Арофат ота уйига кетди. Бу даргоҳга бошқа қайтмади. Жайноқ қамоқнинг сўнги йилларини ўтаётганида жазо ахлоқ тузатиш ишларига умид қилди, бошқаси «Букрини гўр туғрилайди», деди тажрибага таяниб.

Яқинлари яна Жайноқни уйлантириб қўйиш ташвишига тушди. Зора, янги оиладан бахт топса. Аммо қишлоқдошлари унинг номини эшитиши билан сергак тортар эди. У бўлди, бу

бўлди, теварак-атрофдан унга қиз берадиган топилмади.

Шунда қўшни вилоятга келин бўлиб кетган қариндоши унга мос аёл борлигини айтиб қолди. Шу тариқа Самарқанд вилояти Булунғур тумани Оқтош қишлоғидан Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Лаалми-кор шаҳарчасида яшовчи Сожидада совчи келди. Совчилардан куёв бўлмишнинг қимлигини суриштиридилар. Билдирилдики, йигит уйланган, каратэ билан шуғулланаётиб бировни бехосдан ўлдириб қўйгач, қамалиб кетган. Турмуш ўртоғи эса уни кутмасдан қаерларгадир кетган, «бевафо»лик қилган. Айни вақтда куёв бўлмишнинг катта холаси ўлим тушагидемиш, шунинг учун тўйни тезроқ ўтказиб юбориш керак, дейишди.

Жавоб ва сабаб Сожиданинг қариндошларини қониктирди. Нима бўлганда ҳам шу қиз уяли-жойли бўлса, бас. Бахтини шунча йил кутди, ахир. Ҳеч қим йигитнинг қишлоғига бориб суриштириши уялаб ҳам кўрмади, шундай қилишса, тўй тўхтаб қоладигандек эди...

(Давоми 2-саҳифада)

BANDLIK DASTURI — AMALDA

6 МИНГ ИШ ЎРНИ ТАЙИН



Термизда "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижроси доирасида беш иш ўринлари ярмаркаси

ташкил этилди. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, прокуратура, бандлик бош бошқармаси,

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

DOLZARB MAVZU

ОДАМ САВДОСИ — АСРИМИЗ БАЛОСИ

Сожида Ватанига қайтди. Самолёт трапидан тушиб келаркан, мағрибдан бош кўтарайтган куёвнинг илк нурларига боқиб, эркинликнинг рутубати оқшомларида: "Энди Ватаним осмонини кўраманми?" дея уйлаганлари ёдига тушди. Аёл қўлида хунари бўла туриб, кўпроқ пул топиш илжини хорижда кетганди. Бироқ жаннат бўлиб кўринган ўша ерлар асида тиканзор эканини кеч англади. Не-не зўравонликларга чидамади, шўрлик. Икки йиллик азоб-уқубатдан сўнг, ниҳоят, юртига қайтди. Аммо энди аввалги Сожидадан асар ҳам қолмаганди.

Яна бир мисол. Камол билимга ўқувим йўқ, деган баҳона билан ўзини савдога уради. Ухшамади. Кейин маҳалладош танишларига қўшилиб, хорижга кетди. Жарақ-жарақ пул топди. Дўкон очишни ният қилди. Бироқ фирибгарлар тузоғига илинди. Сўнг одамфурӯшлар қўрбонига айланди. Эриган шамдек

сўндию қолди. Совуқ ўлкаларнинг бепоён ўрмонларидаги машаққатли меҳнат саломатлигига жиддий путур етказди. Тоғни урса толқон қиладиган Камол уйига ногирон бўлиб қайтди...

Юқоридаги каби аянчли тақдирлар, афсуски, кўпаймоқда. Юрташларимиз мўмай даромадга эга бўлишни истаб, хорижда ноқонуний йўл билан кетяпти. Хотин-қизларимиз ўзга юртларда танасини сотиб, тахрирланаётгани нақадар аянчли-я!

XXI асрда одам савдоси трансмилий жиноят тусига кирди. Унга қарши курашиш йўлида дунё ҳамжамияти кучларини муштарак этмоқ мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси 2013 йилдан эътиборан 30 июлни Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш кунини, деб эълон қилганди.

Уларнинг 80 фоизи аёл ва болалар. Бунга, биринчи навбатда, ҳуқуқий билимининг саёзлиги ва маънавиятсизлик сабаб бўлмоқда. Одам савдосига қарши самарали кураш олиб бориш мамлакатимизда устувор вазифа этиб белгиланди. 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун ҳамда шу йилнинг 8 июлида Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ҳукуматнинг 2008 йил 5 ноябрдаги қарори билан Республика реабилитация маркази ташкил қилиниб, одам савдоси жиноятдан жабр кўрган фуқароларга малакали психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, одам савдоси жамият раванакига раҳна солувчи бало. Унга дучор бўлмаслик учун эса, огоҳ бўлмоқ даркор.

Мухбиримиз.

YOSH TADBIRKOR — YURTGA MADADKOR

АЗАМАТ МЕҲМОНХОНА БАРПО ЭТМОҚЧИ



Мақсадинг аниқ, йўлинг равон бўлса, ишинг ҳам бароридан келаркан. Ҳаммаси ниятга боғлиқ. Ҳақ гап!

Аммо тadbirkor бўламан деган одам етти ўлчаб, бир кесишни ҳам бианиши керак. Ҳарқалай бугунги

Роҳатой ҚОДИРОВА

УНУТИЛМАС БАЙРАМ

ESHITDINGIZMI?



пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларида "Chilla Fest — 2018" фестивали бўлиб ўтди

Катта сайлага айланган фестивал доирасида турли кўнгли-очар тadbirlar, кўргазма ва намойишлар ташкил этилди. Ташриф буюрганлар масҳарабоз

хунарманда ва расомлар томонидан ўтказилган маҳорат дарслари, нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналарига ҳам манзур бўлди. Шунингдек, фестивал



томшалари, раққосаю ёш хонадалар иштирокидаги концерт дастурларидан баҳраманд бўлди. Таниқли санъаткорларга жўр бўлиб қўшиқлар ижро этди. Аяниқса,

давомида турли танлов ва спорт мусобалари ўтказилиб, голиб ва совриндорлар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Нозима ОЛИМОВА

ҚОЛИПНИ ЁРГАН ФИЛЬМ



2

МЕҲРИБОН ФАРЗАНДАН ЖИНОЯТЧИ ЧИҚМАЙДИ



3

КАПАЛАК



4

YOZ — 2018

“АЖОЙИБ МАТЕМАТИКА” ДАН

ЗАВҚЛАН!

Ш.ЭРКИНОВ

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетда “Ажойиб математика” болалар фестивали бўлиб ўтди. Иккинчи бор амалга оширилган лойиҳага Корея Республикасидан 25 нафар профессор-ўқитувчи ҳам жалб этилди.



Уч кун мобайнида 25 та стенд олдидан ўғил-қизларга турли топшириқларни бажариш таклиф қилинди. Пусан миллий университети профессори Бо Ён Ким ҳамда Инҳа университети профессори Жинам Паркнинг маърузалари ҳам иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

— Математика жону дилим, — дейди Юнусобод туманидаги 97-умумтаълим мактаби ўқувчиси Камолдин Эшэзов. — Фестивалга устозим билан бирга келдим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Қизиқарли масалаларни ечдик. Вақтим жуда мароқли ўтди. Ташкилотчиларга катта раҳмат!



Муаллиф олган суратлар

ЙЎЛДОШИНГ ЛОҚАЙД БЎЛСА,
ЙЎЛНИНГ РАВОНЛИГИ БЕКОР

(Бошланиш 1-саҳифада)

Бу ёғи қишлоқчилик, ҳаммаси тезлашиб кетди. Жайноқ ва унинг қариндошлари никоҳ ўқитиш учун қишлоқ имомига боришди. Имом қондага мувофиқ, ФХДБда никоҳдан ўтилганини тасдиқловчи ҳужжат сўради. Унга ФХДБга ариза топширилган, бир ойдан сўнг “ўша қоғоз” тайёр бўлиши, аммо Жайноқнинг кутишга вақти йўқлигини, қиз томон ҳам тўйнинг тезроқ ўтказилиши тарафдори эканини айтиб, ялинишди.

Имом қандай қилиб қишлоқдошларига розилик берганини билмай қолди. Жайноқнинг бурнига сув кириб, ақли тўлиққандир, деб ўйладими ёки «бир ёмоннинг тақдирини яхши томонга ўзгартиришга умид қилмайман», ҳар тугул ўзи ҳам сезмай қолди. Қолаверса, бу ёқда тенгдоши — Жайноқнинг акаси илтимос қилиб турган бўлса.

«Бу ишларингда нотўғри нарсани сезсам, никоҳ ўқимайман», деди рози бўлиш аввалида имом. Қизнинг яқинларида заррача норозилик сезилмади. Келин томон «Бирор гап бўлса, имомда даъвом йўқ», деган мазмунда хат ҳам қолдириди.

Улар шаръий никоҳ билан келин томон — Лалмикорда яшай бошлади. Ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган Жайноқнинг рўйхатдан ўтган жойида эмас, бошқа ҳудудда истиқомат қилаётганидан на профилактика инспектори ва на маҳалла фаоллари хабардор эди.

Бокиманда, қунда-қунора қўлга эрк бериб, жанжал кўтарадиган кўёнинг асли қандайлиги аён бўлиши учун кўп вақт талаб қилинмади. Жайноқ кўпинча феълни айнаши билан Булунгурга — қишлоғига жўнаб қоларди.

Ана шундай қилиқлардан бирида Соҳиданинг тилла тақинчоқлари йўқолиб қолди.

Эрдан гумони бор аёл эса бу ҳақда ҳудуд профилактика инспекторига хабар берди. Инспектор маҳалла фаоллари билан келиб, масалани суриштирган бўлди. Бу пайтда Жайноқ ўз қишлоғида ҳеч нарса бўлмагандек юрарди. Инспектор бироз ўйланиб: “Кўёнингиз келса... хабар берарсиз”, деганча кетди.

Аслида инспектор шаҳарчада рўйхатдан ўтмасдан яшаётган Жайноқнинг қимлиги билан қизиқиши, ишга Самарқанд вилоятининг Булунгур тумани Оқтош қишлоғидаги ҳамқасбини жалб этиши керак эмасми?

Кўёё Лалмикорга қайтиб келди. Уйда яна жанжал кўтарилди, қундалик масалалар қаторига тилла тақинчоқлар ҳам қўшилгани учун аёлнинг ортага қайтиш нияти йўқ эди. Йиқилса ҳам олдинга йиқилган эр бўш келмаслиги тайин. Жайноқ ғазаб, дўк, мушт билан Соҳиданинг овозини ўчирма олмаслигини тушунди ва яна пичоқдан “имкон” қилдириди.

Яна ички ишлар ва тез ёрдам машиналарининг чинқиряги янгради... Бир неча жойидан пичоқланган Соҳида туман тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлимига жойлаштирилди. Жайноқ эса ички ишлар бўлимига олиб келинди.

Жиноятга жазо муқаррар, лекин шифохонада соғайиб кетиш учун курашаётган Соҳида Жайноқнинг навбатдаги қурбонига айланишига бир баҳя қолганини ўйласанг, даҳшатга тушасан киши. Энг ёмони, бу иш ҳаммининг кўз унгида рўй берди. Жайноқнинг қимлигию, илгари қандай жиноят учун жазо ўтаганини суриштиришга ҳеч

қимда хоҳиш ҳам, ҳафсала ҳам бўлмагани ажаблантиради кишини. Оқтош қишлоғининг профилактика инспектори-чи, нега у рўйхатда турган одамнинг қаерга, қачон, нимага кетгани билан қизиқмади? Хуллас, саволлар кўп.

Юқорида келтирилган жиноят иши бўйича барча исм-фамилияларни ўзгартирган ҳолда келтиришни жоиз топдик. Бу воқеа барча ёмонликларнинг боши лоқайдлик ва бепарволик эканини яна бир бор ёдимизга солади. Лалмикор саноат қасб-хунар коллежиде бўлиб ўтган мазкур жиноят муҳокамасида ҳам бу алоҳида таъкидланди.

Ғалаборол тумани ҳокимлиги, вилоят ва туман ички ишлар идоралари вакиллари, суд ва прокуратура масъуллари, ҳудуддаги маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этган тадбирда бу каби ҳолатларнинг бошқа такрорланмаслиги учун барча ён-атрофда бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмаслиги, «бир болага етти маҳалла масъул» эканини ёддан чиқармаслик, ҳамжихатликда иш тутиш лозимлиги таъкидланди.

Юқорида келтирилган ҳолат бўйича жиноятнинг олдини олиш чораларини қурмагани учун профилактика инспектори ва маҳалла фаолларига тегишли чоралар кўрилиши билдирилди.

Шу кунги коллежда ноқонуний никоҳни ўқиган қишлоқ имомни суд қилинди. Қилмиши учун диний идора вакилига энг кам ойлик иш ҳақининг 3 барбари миқдорига жарима тайинланди.

Абулқосим АҲМЕДОВ,
Жиззах вилояти
ички ишлар бошқармаси
ахборот хизмати
раҳбари.
ЎЗА

MENING FIKRIM

НАФАҚАТ МАСЪУЛИЯТ, ФИДОЙИЛИК ҲАМ КЕРАК

Фаррух БЕГИМҚУЛОВ,
Ички ишлар академияси курсанти

Ўзбек аёллари ҳовлисига райхон экишни яхши кўради. Эрта тонгдан сувлар сепиб, райхон бўйини таратар экан, осуда осмонга шўқроналик билан қараб қўяди.

Ҳа, юртимиз кўз ўнгимизда гулу райхонга бурқаниб, қундан-қунга яшнамоқда. Қад ростлаётган бир-бирдан ажойиб маданий иншоотлар, тураржой объектлари, маиший бинолар юрт кўрқига-кўрк қўшаётди.

Буларнинг барчаси осуда кунлар шарофатидир. Хотиржамлик бор жойдагина юқалиш бўлади. Ана шу хотиржамликни таъминлаш, халқимиз фаровонлигини кўз қорачиғидек асрашда тинчлик посбонларининг хизмати катта.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ички ишлар органлари тизимида бир қатор тизимли ислохотлар амалга оширилди. Аввало, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланди. Шунингдек, халқ, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида барча зарурий чора-тадбирлар белгиланди ва ҳаётга изчил татбиқ этиб келинмоқда.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, айни даъво ички ишлар идоралари аҳолига сифатли ёрдам

кўрсатадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тизим фаолиятига доир бир қанча муҳим вазифалар қайд этилгани ҳам бежиз эмас.

Бугунги таҳликали замонда тинчликни сақлаш билан бир қаторда муҳокамасида бўлиб турган райхонларни экаверсин.

тида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари зиммасига катта масъулият юқлайди. Шу боис республикамизда пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлимлари фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Хизмат ходимлари байрамлар, халқ сайилари, оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун доимо сергак туради.

Юрт тинчлиги ва оқолияти йўлида хизмат қилиш нафақат масъулият, балки фидоийликни ҳам талаб қилади. Истагимиз, осмонимиз ҳамини мусаллоқ, постларимиз мустаҳкам бўлсин, оналаримиз гулу райхонларни экаверсин.

TAQDIMOT

ҚОЛИПНИ ЁРГАН ФИЛЬМ

Нозима МИЯССАРОВА

Пойтахтимизда “Мақсад” фильми тақдироти олдидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда соҳа мутахассислари ва журналистлар иштирок этди.

Режиссёр Рустам Мелиев томонидан суратга олинган кинокартина сюжети реал воқеаларга асосланди. У детектив-триллер жанрида ишланган бўлиб, жорий

йил сентябрь ойида катта экранларда намойиш этилиши кутилмоқда.

— Коррупция — жамият ва давлат қушанаси, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Тоҳир Саидов. — Бу иллат туфайли ноқасрлар жазодан қутулиб, беғуноҳ инсонлар жабр кўради. Мазкур жиноят билан курашадиган ички ишлар ходимларининг меҳнати



эса, доимо кўзга ташланавермайди. “Мақсад”да коррупциянинг оқибатлари ва милициянинг фидокорона хизмати

акс эттирилган. Муҳими, фильм бугунги ўзбек кино учун қолип мавзуга айланмиш қолган романтикадан анча йироқ.

TASHABBUS

“ЯККАБОҒ”ДА ЗАМОНАВИЙ
МАЙДОНЧА ҚУРИЛДИ

Мамюра ХҲҲАҚУЛОВА

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида кўплаб илҳобий ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши ташаббуси билан “Яккабоғ” маҳалласида замонавий спорт майдончаси фойдаланишга топширилди.



У талаб асосида жиҳозланган. Янги объектнинг очилиш маросимида

“Street work out” номини олган ўзига хос спорт тури — куча гимнастикаси

бўйича туман очик чемпионатига старт берилди. Мусобақа иштирокчилари турникда турли машқлар бажариб, маҳоратини намойиш этди. Ғолибларга эсдалик совғалар топширилди.

— Майдонча нафақат болалар, балки биз, катталарга ҳам асқатмоқда, — дейди шу маҳаллада яшовчи Холида Усмонова. — Неварам билан бирга ўзим ҳам атрофни кўриб, маҳалламизда бўлаётган ўзгаришлардан аниқ ярайди. Бундай ишларнинг бошида турган Юртбошимизга минг ташаккур.

БИТИРУВЧИ ҲАРБИЙЛАР
ТАНТАНАЛИ КУЗАТИЛДИ

А.МУСАЕВ, ЎЗА муҳбири

Қуролли Кучлар академиясида Қўмондонлик штаб факультети тингловчиларининг навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.



Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, битирувчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама

ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими яратилгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда 45 нафар битирувчи диплом ва кўкрак нишонлари тантанали топширилди. Таълим жараёнида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ битирувчилар Мудофаа вазирининг фāхрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Икки йил давомида соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ўрганган ҳолда қўшнларни бошқариш, оператив ва жанговар тайёргарликка оид тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш бўйича тажрибаларимизни оширдик, — дейди Академия битирувчиси И.Мирвазов. — Бу жараёнда бизга ҳарбий фанлар сирларини ўргатган устоз офицерлар, профессор-ўқитувчиларга ўз миннатдорчилигини билдираман. Ота-онам, оиладагилар бугунги ютуқларимдан хурсанд бўлди. Эндилекда Ватанимиз тинчлигини сақлаш учун янада шижоат билан хизмат қилишга, бор куч ва билиминини амалиётда кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Тантанали маросимда масъул лавозимларга тайинланган офицерларга салимий тилаклар билдирилди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан тайёрланган концерт дастури барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

FOTOLAVNA

Зулфизар МАВЛОНОВА

ҲОЙДАЛИ ВА ТОТЛИ



Бухоро шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб қовун сайли ўтказилди.

Абу Али ибн Сино номидаги фавворалар майдонида бўлиб ўтган аънавий тадбирда икки юздан зиёд фермер хўжалиги 70 дан ортиқ қовун нави намойиш этди. Маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳлар амри, бўриқалла, ола бўриқалла, гулоби, обиновот, кўкча, темиртроқ, гуласал, қо-

рақанд, дўппи, шерози, шарпалак каби қовунларни татиб кўриш баробарида бободеҳқонлардан уларни етиштириш бўйича фойдали маълумотлар олди.

Сайли доирасида турли мева-фрукт ва поли маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишлари эса, байрамга ўзгача шукҳ бағишлади.

Яқинда муносилик ривожига кўрсатиш ҳисса қўшаётган фермерлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.



МЕХРИБОН ФАРЗАНДДАН ЖИНОЯТЧИ ЧИҚМАЙДИ

Республика Маънавият ва маърифат марказининг Бухоро вилоятида ўтказган “Авлодлар учрашувлари”дан лавҳалар

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг ўринбосари, педагогика фанлари номзоди, профессор

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган йили 15 ноябрь куни бўлиб ўтган видеоселекторда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси танқидий муҳокама қилинган эди. Мана, орадан бир муддат ўтиб, юртбошимиз жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борадаги ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Қайд этилган муаммолар ҳаммамизни ўйлантириб қўйди.



Жаҳонгир МИРЗО чизган сурат

Содир этилган қотиллик жиноятларининг эр-хотин ва қайнона-келиндар ўртасида, қўни-қўшниларнинг оқдигина маиший келишмовчиликлари оқибатида келиб чиқаётгани ташвишли ҳол албатта. Президентимиз жиноятчиликка қарши курашни унинг олдини олишдан бошлаш керак, дейдилар. Бу бежиз эмас, шу сабабли ҳар бир ота-она жиноятчиликнинг эрта профилактикасида маънавият, тарбиянинг тугган ўринини билиши зарур. Ана шунда барчамизнинг “Менинг маҳалламада жиноят содир бўлмаслиги керак”, деган қатий қароримиз мамлакат миқёсидаги эрта профилактиканинг дастури-амалига айланади.

“Авлодлар учрашуви” ташкил этилди. Кўпни кўрган нурунийлар, ота-оналар, уюлмаган ёшлар зални тўла-дириб ўтирди. Жиноятчиликнинг эрта профилактикаси тарбияга, ота-она ва болаларнинг узаро муносабатларига боғлиқ. Шу сабабли ота-оналарга “Болаларингиз сизларга қандай муомала-муносабат қилишини истарингиз?”, деб савол берилди. Улар “Болаларингиз мулоҳия бўлса. Кўнглимизга қараса, уқраймаса, гап қайтармаса”, деди. Улардан “Болаларингиз шундайми?”, деб сўралганда кўпчилиги жим қолди. “Қанийди шундай онахон”, деб қўйди бир онахон секингина.

99 та юмшоқроқ усулларни қўлламадингиз. Тарбия ота-онадан биров бўлса-да, педагогик билимини, маҳоратни, қалбини, меҳрин талаб қилади: Ёз бирдан ҳужум қилдингиз. Натияжада болангиз сиздан ҳам, ўзидан ҳам ранжиди. Сизни айбдор деб санади. Уша дақиқаларда унинг кўзига дўст эмас, ёв бўлиб кўриндингиз. Хумрайган Рауфжондан муомалангизга мос совуқ сўзларни эшитдингиз. Қҳрали кўзларингиз тўқнашди. Хафа бўдингиз. Бироз ўтиб, пушаймон ҳам бўлингиз. Иккинчидангиз ҳам кўнглингиз яраланди.

эришмай ўтади. Бир умр: “Болам қаерда юрибди, нима қилапти экан-а?”, — деган хавотирда яшайди. Чунки боласидан кўнгли тўқ эмас. Чунки у билан ўз вақтида шугулланмаган. Доно она эса, ана шу 5 дақиқадан унутили фойдаланиб қолади. Кафолатли натижага эришиб, бир умр хотиржам яшайди. Ҳеч бир бола ёмон бўлиб тугилмайди. Ёмон бўлишига биз, катталар айбдоримиз. Аникроги, бизнинг тарбия усулларини билмаслигимиз ва қўлламаганимиз сабаб.

Ота-онаси унга нима тўғрику, нима нотўғрилиги ва нега шундай эканини яхшилаб аниқлаш керак. Ҳар қандай вазиятда бола бу сўзларни эслаб, ўйлаб иш тутайди. Кўрқитиб тарбияланган бола ота-онасига билдирмасдан иш тутшига оdatланади. Қилмиши ўзига зиён келтираётганини ўйламайди. Бир-икки сафар жазосиз қолар. Лекин кейингиси албатта ҳақорат, сўқши, уриш билан якун топади. Бундай ёндашув ота-она ва болани бир-биридан беғоналаштириб, совитади. Икки томон бир-бирининг ичидан нималар ўйлаётганини билмай, билишни ҳам истамай яшашга ўтади.

тувигина “меҳр” сўзининг маъноси “қуёш” эканини айтиди. Биз у аёлга эсдалик совға бердик. “Айтинг-чи, кундалик ҳаётда бир-биримизга меҳрибонликми? Марҳамат, мисоллар келтиринг”, деган саволни ҳам ўртага ташладик. 5-6 нафар иштирокчи мисол келтира олди, холос. Қолганларнинг бу сўзни нотўғри тушуниши ёки маъносини умуман билмаслиги маълум бўлди. Айримлар меҳрибонлик бу “Опажон, қўйладингиз бирам ўзингизга ярашибди. Чиройли чиқибди”, “Болам, агар бешта аъло баҳо олсанг, сенга PSP-2, спиннер олиб бераман, дейиш”, деди. Албатта, бу жавобларнинг бирортаси ҳам мақбул эмас.

Шунда биз “Болаларингиз ўз меҳрини сизларга қандай билдиришмоқда?”, деб сўрадик. Респондентлар чуқур уйга толиб, жим қолди. Фақат бир ўқитувчи аёл: “8 март куни ўғлим расм чизиб, тагига “Дунёдаги энг яхши онага!”, деб ёзиб совға қилди”, — деди. Бошқа эрақлар эса, жавоб бермади.

Ёшлардан “Ота-онангиз сизга ўз меҳрини қандай билдирган?”, деб сўрадик. Икки-уч нафар ўсмир қиз оналари уларни кўчоқлаб, ўпганини эслади. Бир маҳала боланинг бошини силаш, яна бири — боланинг елкасига секин қоқиб қўйиш, совға бериш, мақтаб қўйиш каби усулларини айтиди.

ОДАМ НЕГА ЖИНОЯТ ҚИЛАДИ?

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да жиноятнинг учта сабаби келтирилди: “... биринчидан, шахснинг ўзи, унинг дунёқараши, қизиқишлари, жамият ва давлатга, ён-атрофидаги кишилар ва онага муносабати, унда салбий сифатларнинг шаклланиши ва кучайиши; иккинчидан — шахс тарбияланган, вояга етган оилави ва ижтимоий муҳит; учинчидан — жиноят содир этилган вақтдаги шароит, вазиятга эътибор берилди”. Ана шу уч омилнинг иккитаси ота-оналарга, бизга боғлиқ. Иккиси ҳам битта сўз — ТАРБИЯга жо бўлади. Ҳа. Жуда кўп айтилаётган, лекин яна такрор-такрор гапиришга бизни мажбур қилаётган мавзу бу.

ЖОНДОР ҲИҚМАТИ

Дастлаб Жондор туманидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашиб, жиноятчиликнинг маънавий-маърифий сабаблари ўрганилди. Туманининг 12-умумтаълим мактабида

ҒАЗАБ — ЖАҲОЛАТДАН

“Қалмоқ” маҳалласи раисаси Маҳфуза опа ва котиба Санобархон билан суҳбатлашдик. Улар ҳозирги ёшлар тўшбағир, бемехр бўлиб кетаётганидан ноҳили. Биз сабабини бирга қидирдик: — Фараз қилинг. Сиз 10 ёшли ўғлингиз Рауфжон токка уланган электр плитага сув томизиб ўтирганини кўриб қолдингиз. Нима қиласиз? — Уришаман. — Илтимос, аниқроқ айтинг. — Аникроги: “Рауф аҳмоқ! Қалмак борми? Уйга ўт қўяяпсанми, касофат?...”, — деб аяқаннос солиб, сизлаб қўлидан сувни тортиб олсангиз. Тўғрими? — Ҳа... энди болани уришмасам бўлмайди-да. — Сиз таъбир жоиз бўлса, тарбиянинг энг сунгги, энг осон, энг кескин ва оғир — юзичи методини қўллар экансиз. Ундан олдинги

5 ДАҚИҚАНИНГ БАҲОСИ

Бунга 5 дақиқа кетади. Бу вақт жуда қиммат туради. Мана шу 5 дақиқа қанчалаб фарзандларимизни жиноятчи хўнадан сақлаб қолмиш имкониятини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Тарбия усулларини билмайдиган болани бир умр жавраб, носини ўздан беғоналаштириб, натижага

Эшлар орасида кузатилаётган барча турдаги жиноятларнинг, превентив тарбиянинг яхши олиб боришмаслигида. Жиноят — тақиқанган ишни нега тақиқангани ва оқибатларини билиб-билмай қилишлари. Жиноятга яул болаликдан кичик тақиқларни бузишдан бошланади. Юқоридаги плита воқеасини олайлик. У Рауфжоннинг бир ёки икки йил кейинги “эксперимент”ларини бошлаётганида ҳам ёнига тушиб, ўйлатади, хато қилишдан тўхтабди. Буни тарбиянинг энг яхши бешинчи ёки олтинчи усулларидан бири десак бўлади. Нега биринчиси эмас? Чунки ўша усул Рауфжон хато қилиб бўлганидан кейин қўлланади. Доно оналар бола хато қилмасдан олдин, яхши гаплар билан ҳафтада бир-икки марта оғоҳлантириш беради. Нодон она эса, бирдангина ловиллаб кетади. Афсуски, жамиятимизда “болани яхшилаб дўпсосласа, мулла бўлади”, “Унинг адабини бериб, кўрқитиш керак”, деган қарашлар ҳали ҳам устувор. Аслида бу миллий тарбиямизга зид ҳолат. “Қобуснома”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобларида болани сўқши, кўрқитиш керак эмаслиги айтилади. Нега деганда, кўрқув болани онгсиз итотада, тарбия эса, онгли итотада сақлайди. Кўрқитувчи бўлмаган жойда бола билганини қилади. Фош бўлгач, уруш-жанжал янада кучлироқ давом этаверади...

МЕХР НЕГА ТАНСИҚ?

Жондор, Шофиркон, Гиждувонда “Авлодлар учрашув”лари ўтказилди. Зални иккига бўлиб, бир ёнга кексалар, ота-оналар, иккинчи ёнга — ёшлар ўтқазилди. Бу юзма-юз мулоқот қилишга қулайлик тўғриди. Юқорида айтганимиздек, ҳайрон қоларди жиҳат шу бўлдики, учала учрашувда ҳам икки авлод бир-биридан “меҳр”, “хушмуомала”, “эътибор”, “қўлаб-қувватлаш”ни кутиши маълум бўлди. Энг кўп айтилган, исталган, кутилган сўз “меҳр” эди. Бу бизда ҳайрат уйғотди. Наҳотки меҳр шунчалар ноёб бўлса? Наҳотки икки томон ҳам бемехр бўлса? Йўқ. Икки томонда ҳам меҳр бериш ва олиш истаги бор. Унда нега меҳр бунчалик тансиқ! Саволларга жавобни ота-оналарнинг кундалик луғат бойлигидан излай бошладик. “Меҳр” сўзининг маъносини сўрадик. Кўпчилик “яхшилик”, “хушмуомала”, деди. Албатта, эшитганлардан кўнглимиз тўлмади. Меҳр арабчадан таржима қилинганда “қуёш” деган маънони англатади. Қуёш ҳам ёритади, ҳам иситади. Ой эса, ёритади, иситмайди. Демак, меҳрибон одам бошқа одамга меҳр бериб, уни иситади, кўнглини ёритади. Шунинг учун меҳрибонлик, дейилади. Сўралган 354 нафар кишидан фақат битта ўқи-

ИККИ АВЛОДНИНГ БИР МУАММОСИ

Тадқиқот натижасида ота-оналар ва болалар орасида бир муаммо борлиги аниқланди. Яъни, улар бир-бирига меҳр кўрсатиши кераклигини яхши билмади. Аммо бунга қандай намойён қилинганда “қуёш” деган маънони англатади. Қуёш ҳам ёритади, ҳам иситади. Ой эса, ёритади, иситмайди. Демак, меҳрибон одам бошқа одамга меҳр бериб, уни иситади, кўнглини ёритади. Шунинг учун меҳрибонлик, дейилади. Сўралган 354 нафар кишидан фақат битта ўқи-

Тадқиқот натижасида ота-оналар ва болалар орасида бир муаммо борлиги аниқланди. Яъни, улар бир-бирига меҳр кўрсатиши кераклигини яхши билмади. Аммо бунга қандай намойён қилинганда “қуёш” деган маънони англатади. Қуёш ҳам ёритади, ҳам иситади. Ой эса, ёритади, иситмайди. Демак, меҳрибон одам бошқа одамга меҳр бериб, уни иситади, кўнглини ёритади. Шунинг учун меҳрибонлик, дейилади. Сўралган 354 нафар кишидан фақат битта ўқи-

МАЛОҲАТ: ТАДБИРДАН СЎНГ ТЎҒРИ УЙГА БОРИБ, ДАЛАМ, ОНАМНИ КЎЧОҚЛАБ, ЎПАМАН”.

Одам бир умр меҳр (иссиқлик, ёруғлик) қидиради. Агар уйдан тополмаса, кўчадан излайди. Ота-она ўғил-қизи, ўғил-қиз эса, ота-онасининг қандай ўйлашви, режа ва мақсадлар билан яшаётганини билмас, сўрамаса, билингки, бундай оилادا “маънавий киши” ҳужмронлик қилмоқда. Меҳр йўқ уйга баҳор келмайди. Беғоналашув кузатилади. “Авлодлар учрашувлари”да иккала авлод вакиллари “Меҳрибон йигит-қиздан жиноятчи чиқмайди”, деган яқдил ҳулосага келди. Бунинг учун, аввало, зиё-лилар — нурунийлар, маҳалла фаоллари, маънавиятчию ўқувчилар, меҳр-оқибат ҳақида махсус сўхбатлар ўтказиши зарур. Самараси Шофиркон туманида яққол кўринди. Коллеж ўқувчиси Малоҳат қўл кўтариб, сўз сўради. У кўндал ёш, овози титраб: “Мен бу тадбирдан жуда тасвирландим. Ҳозир тўғри уйга бориб, дадам ва онамни кўчоқлаб, ўпаман”, — деди. Икки авлод беҳиётёр ўринларидан туриб, уни узок олқишлади. Биз ҳам тадбирни шу жойида якунладик. Шунда гаплар.

Туғиб ташлов билан бўлмас бола, бўлмай бало сизга, Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.

Абдулла АВЛОНИЙ

“Бизда туйғулар тарбиясига эътибор етишмаяпти. Оналар ўзи англамаган ҳолда чақалоқни бағрига босиб, нафақат сут, балки меҳр ҳам беради. Ота ҳам эркалаганида меҳр беради. Бу инстинкт даражасида содир бўлади. Бироқ бола катта бўлгач, турмуш ташвишлари билан буни унутади. Ё уялади. Оқибатда “туйғулар депривацияси” деган психологик муаммо пайдо бўлади.

Кўп гапирсак, қовоқ солманг, қулоқ солинг, қоқилмайсиз, Йиқилсангиз чекар фарёз меннинг жоним, болам дерман.

Ота-онага тик боқмоқ, ўғил-қизга гуноҳ аммо, Кўзингиз қаҳридин холи паришоним, болам дерман.

Ота-она чекиб заҳмат, меҳр куттай, қилиб орзу, Дегай: «Ўғил-қизим — шамъи шабистоним», болам дерман.

Болам бор — мақсадим бордир, худодин истогим ёрлар, Отам-онам дегувчи энг қадрдоним, болам дерман.

Бу газалга олиб илҳом, Бухорий машваратлардин, Мусофир айладим эҳсон, достоним, «Болам дерман».

“Меҳрsizлик дастидин кўнгли яроман, найлайин”, деган мисралар билан бошланувчи машҳур ашула бор. Бунда шоир меҳрсizликдан, кўнгли яралганнидан нолиятти. Чунки қалбда армон қолган. Биз “меҳрсizлик маънавий беғоналашувга олиб келади”, деб кўраканмиз. Ваҳоланки, меҳрсizлик одамийлик жавҳари — кўнглини яралаб, совитар экан! Бу “маънавий киши” ўйларимизга ҳам кириб қолмадимикан? Акс ҳолда, нега сўровларимизга катталар ҳам, ёшлар ҳам: “Мулоҳия бўлса. Кўнглимизга қараса, уқраймаса, уришиб ташламаса, гап қайтармаса”, деган истакларини айтиди?

Тарбияга эътиборsizлик — бемехрлик — беғоналашув — тўқнашув — жиноят. Кўриб турганингиздек, зинапож жиноятга олиб чиқади. Меҳрсizлик ёшларни уйдан беэтирлиб, кўчага ҳайлаб чиқаради. Ҳуқуқбузарлик, жиноятга шароит яратиб беради.

МАЛОҲАТ: ТАДБИРДАН СЎНГ ТЎҒРИ УЙГА БОРИБ, ДАЛАМ, ОНАМНИ КЎЧОҚЛАБ, ЎПАМАН”.

Одам бир умр меҳр (иссиқлик, ёруғлик) қидиради. Агар уйдан тополмаса, кўчадан излайди. Ота-она ўғил-қизи, ўғил-қиз эса, ота-онасининг қандай ўйлашви, режа ва мақсадлар билан яшаётганини билмас, сўрамаса, билингки, бундай оилادا “маънавий киши” ҳужмронлик қилмоқда. Меҳр йўқ уйга баҳор келмайди. Беғоналашув кузатилади.

“Авлодлар учрашувлари”да иккала авлод вакиллари “Меҳрибон йигит-қиздан жиноятчи чиқмайди”, деган яқдил ҳулосага келди.

Бунинг учун, аввало, зиё-лилар — нурунийлар, маҳалла фаоллари, маънавиятчию ўқувчилар, меҳр-оқибат ҳақида махсус сўхбатлар ўтказиши зарур. Самараси Шофиркон туманида яққол кўринди. Коллеж ўқувчиси Малоҳат қўл кўтариб, сўз сўради. У кўндал ёш, овози титраб: “Мен бу тадбирдан жуда тасвирландим. Ҳозир тўғри уйга бориб, дадам ва онамни кўчоқлаб, ўпаман”, — деди. Икки авлод беҳиётёр ўринларидан туриб, уни узок олқишлади. Биз ҳам тадбирни шу жойида якунладик. Шунда гаплар.

Ота-она дегай дилдан: болажоним, болам дерман, Уйдим гўнчаси, сўмас гулистоним, болам дерман.

Ато қилдик ҳаёт сизга, бўларсиз деб, қанот бизга, Илоҳим кўрмайга ҳеч ким пушаймоним, болам дерман.

